
ҚУВА ТУМАН ҲОКИМИ ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШДИ!

Мамлакатимизда ёшлар бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорликка қизиқиш уйғотиш, уюлмаган ёшлар ҳамда касб-ҳунар коллежи ва академик лицей битирувчиларининг ўзлари танлаган соҳада фаолият бошлашига кўмаклашиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан Қува туманида ҳам ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб этиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Биргина Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган беш ташаббус доирасида чекка қишлоқларда ташкил этилаётган “Ёшлар меҳнат гузарлари” да бугунги кунда қувалик ёшларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун қулай шароитлар яратилмоқда.

Албатта амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда туманда ёшлар бандлигини таъминлаш юзасидан олдинда кўплаб бажарилиши зарур бўлган вазифалар бор. Шунингдек ушбу долзарб масалага давлат сиёсатининг бир қисми сифатида ёндашилмоқда.

Жорий йилнинг 15 декабр куни Қува туман ҳокимлигида бўлиб ўтган туман ҳокими Курбанов Равшанбек Хайдаралиевичнинг ёшлар билан учрашувида ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Очиқ мулоқот тарзида самимий руҳда ўтган учрашувда туман ёшлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Ёшлар томонидан кўтарилган муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилотларни жалб этган ҳолда қисқа муддатларда бартараф этиш ҳамда ижобий ҳал этиш юзасидан топшириқлар берилди. Учрашувда ёшлар томонидан билдирилган айрим муаммолар шу ернинг ўзида ҳал этилди.

Жумладан Адахамжон Хабибуллаев Қақир қишлоғида жойлашган ҳозирги кунда бўш турган бинода ёшларнинг спортнинг кураш тури бўйича машғулот ўтказиб келмоқда. Ушбу бинонинг кадастр ҳужжатлари мавжуд эмаслиги сабабли кўплаб муаммолар юзага келаётган эди. Учрашув давомида мутасаддиларни жалб этган ҳолда туман ҳокимининг қарори расмийлаштирилиб камчилик жойида баратраф этилди. Шунингдек Тиркашев Бахтиёржон туман қурилиш бўлимига ишга қабул қилиниб ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Қува туман ҳокимлиги

Ахборот хизмати

2020-12-16 11:59:01